O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 20 январ шанба
Сотувда эркин нархда
№ 15 (2577)



З. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Муборак тумани марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам ҳамшираси Юлдуз Қулмуродова жамоанинг ёш, жонкуяр ходимаси сифатида эл меҳрини қозонган.

***Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Ташқи иқтисодий сиёсат ва хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича ишчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, компания ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев бошқарди.***

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Маълумки, Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов мазкур ишчи комиссия фаолиятига оид талай танқидий фикрлар билдирган эди. Мажлис қатнашчилари Комиссиянинг 2000 йилдаги фаолияти натижалари ва истиқболда амалга оширажак ишлари режасини Президентимизнинг ана шу танқидий фикрларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилди.

Номи зикр этилган Кенгаш йиғилишида Ислом Каримов ишчи комиссиялари ва уларнинг раҳбарлари ишда ортиқча расмиятчилик, ўзибўларчилик ва сусткашликка йўл қўяётгани сабабли белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамиша ҳам изчиллик етишмаётганлигини таъкидлаган эди. Холбуки, бой табиий хомашё, қулай жуғрофий ўрин ҳамда улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакатимизнинг жаҳон бозоридан ўзига муносиб жой эгаллашини янада тезлаштирмоқ зарур.

Бунинг учун мамлакатимизда ҳар томонлама қулай шароит яратилган. Ўтган йиллар давомида қабул қилинган қонуний ҳужжатлар ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ижобий натижаларни бермоқда. Мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 2000 йилда 6,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 300 миллион доллар ҳажмида ижобий салдога эришилди. Товар ва хизмат турлари экспорти аввалги йилга қараганда 12,8 фоизга ошди. Шунингдек, хорижий сармоя иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналар сони ҳам кўпайди. Мазкур корхоналар ишлаб чиқараётган товарлар ялпи ички маҳсулотининг 13,7 фоизини ташкил этди.

Шунингдек, унда ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарга кўпроқ эркинлик бериш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев иштирок этди.

**С.РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Йил якунларига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо мажмуи мажлисида 2000 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2001 йилги вазифалар муҳокама қилинди. Унда мажмуа таркибига кирувчи уюшмалар ва компаниялар раҳбарлари, ушбу идораларнинг иқтисодиёт хизматлари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов бошқарган ушбу мажлисда қайд этилганидек, 2000 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичлар уюшмалар ва компаниялар томонидан умуман бажарилган. Ўтган давр мобайнида 402,3 миллиард сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилган, ўсиш суръати 104,9 фоизни ташкил этган, экспортга маҳсулот етказиб бериш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилган. 107 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Акциядорлик жамиятлари акцияларини хорижий инвесторларга сотиш ишлари давом эттирилмоқда. "Ўзбек ипаги" уюшмаси ва "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси корхоналарининг молиявий аҳволи барқарорлашди.

Бироқ, тармоқлар ва тасарруфдаги корхоналар раҳбарлари томонидан экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмаяпти. Натижада гўшт-сут ва мебел саноати корхоналари томонидан экспортга маҳсулот етказиб бериш прогноз ҳажмлари таъминланмади. Айрим объектлар бўйича хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда қолоқликка йўл қўйилди. Тармоқлар раҳбарлари томонидан натурал ифодада маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари ўсишини таъминлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмади, ташкил этилган қўшма корхоналар етарли самара билан ишламаяпти, республика ташқарисида савдо уйлари очиш масалалари сусткашлик билан ҳал этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ва Ўзбекистон Карлар жамиятининг ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда тармоқ раҳбарлари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунга мувофиқ тармоқлар раҳбарларига тармоқлар ва республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини ҳал этиш, уюшмалар ва компанияларнинг иқтисодий органлар билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича 2001 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган аниқ дастурларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

**(ЎзА)**

### Олий Мажлисда

## Янги лойиҳа тайёрланади

**«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси устида иш давом этмоқда.**

Кеча Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссияси ҳамда республика «Маҳалла» жамғармасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Акмал Саидов мажлисни очар экан, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро ўзаро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлисида барча соҳаларда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, демократик ўзгаришлар, давлат қурилиши, иқтисодий салоҳиятимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида изчил боришимизни давом эттириш лозимлиги алоҳида таъкидланганини айтиб ўтди. Айни пайтда, бу борадаги дастурларни рўёбга чиқариш йўлида муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши жабҳасида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш тўғрисидаги Дастурда «XXI аср маҳалласи» концепциясини ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат дастурини қабул қилиш ҳамда ушбу муҳим ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифалари белгилаб берилган.

«XXI аср маҳалласи» концепцияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ҳуқуқлари ва бажарадиган вазифалари доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш ва маҳаллаларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини оширишни кўзда тутади. Қўшма мажлис кун тартибидаги биринчи масала сифатида киритилган ушбу концепция лойиҳаси ҳақида Олий Мажлис депутати, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Шуҳрат Жалиловнинг ахбороти тингланди. Концепция лойиҳаси бўйича барча вилоятлардан, олим ва мутахассислардан кўплаб таклифлар келиб тушгани, ана шу таклифларнинг аксарияти «Маҳалла» газетаси саҳифаларида мунтазам равишда эълон қилинаётганлиги қайд этилди. Сўзга чиққанлар концепция лойиҳасини маъқуллаб, уни муҳокама давомида тушган таклифлар асосида маромига етказиш, шунингдек, ушбу лойиҳани оммавий ахборот воситаларида кенг кўламда тарғиб ва ташвиқ этиш лозимлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий Мажлис депутати Сайёра Рашидова Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий фаолият дастури лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Маълумки, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдаланиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун, аввало, Президентимиз уқтирганларидек, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган турли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий фаолият дастури лойиҳаси бу йўлда қўйилган яна бир амалий қадамдир. Депутатлар томонидан миллий дастур лойиҳаси маъқулланди ҳамда Олий Мажлис Кенгашига кўриб чиқиш учун тавсия этилди.

Йиғилишда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар лойиҳада белгиланган бир қатор қоидалар эскиргани ва уни бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи борлиги ҳақида гапирдилар. Зеро, бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасида алоҳида тўхталган эди.

Мажлис қатнашчилари «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини маромига етказиш борасида амалга оширилаётган ишларни давом эттириш лозимлигини таъкидладилар.

Йиғилиш қатнашчиларининг «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раҳбари Исфандиёр Латиповнинг Олий Мажлис қўмитаси ва бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тасвирий воситалар ёрдамида тарғибот-ташвиқот қилишни кучайтиришга йўналтирилган махсус кўрик-танлов ўтказиш ҳақидаги таклифини маъқулладилар.

Бундан ташқари, йиғилишда қўмита фаолиятига таалluқли бошқа бир қатор масалалар кўриб чиқилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

---

Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Қўмита раиси Нарзулла Жўраевнинг таъкидлашича Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита иштироки билан тайёрланган «Таълим тўғрисида»ги Қонун таълим тизимини тубдан янгилаш учун ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ўрганиш натижалари Миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш бўйича вазирликларнинг 1997-1999 йилги тадбирлари асосан бажарилганини, 2000-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли тадбирлар қабул қилинганини кўрсатди.

1999-2000 ўқув йилида мактаб ўқувчилари учун етти тилда, 182 номда 17 миллион нусхада янги дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этилган. Жорий ўқув йилида эса бу кўрсаткич 251 номда 17,7 миллион нусхани ташкил этган. Кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оила фарзандлари учун бюджетдан бепул 700 миллион сўмлик дарслик ва ўқув қўлланмалари харид қилинган. Лекин дарслик масаласида муаммолар ҳам йўқ эмас. Маълумотномада қайд этилишича, 1999 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган дарсликларнинг 25 фоизи ўқув йили бошланиши арафасида нашр этилган, холос. Устига устак, дарсликлар етарли нусхада нашр этилмаяпти. Масалан, республика умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланганлиги 76,2 фоизни, Сурхондарёда 68 фоиз, Сирдарёда 65,2 фоиз, Тошкент вилоятида 61,1 фоизни ташкил этади.

Йиғилишда ўрта махсус, касб-ҳунар, мактабдан ташқари таълим, Олий таълим ҳамда Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашда миллий дастур асосида иш олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Лекин асосий эътибор мавжуд муаммоларга қаратилди, уларни бартараф этиш борасида таклиф-мулоҳазалар айтилди. Масалан, бюджет маблағлари ҳисобидан ўқиб, олий ўқув юртларини битирган ёшларни тақсимлаш, ишга жойлаштириш ва мажбурий ишлаб бериш амалиётини қайта тиклаш ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда. Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳанузгача ўзининг алоҳида биносига эга эмас. Очиқроқ айтганда ижарада турибди...

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
## ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

***Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнгида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, ўн йиллик мустақил тараққиёт ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, қутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — истиқлол айёмини кенг нишонлаш, юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тафаккурини юксалтиришда, олдимизда турган буюк мақсадлар сари сафарбар қилишда беқиёс аҳамият касб этишини, истиқбол режаларини ана шу ҳақиқатни чуқур англаш асосида белгилаш заруратини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:***

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигини кенг нишонлаш бўйича дастур тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора, уюшма ва жамғармалар мазкур дастур асосида тегишли маънавий-маданий, маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихини, унинг тараққиёт босқичлари ҳамда илмий-назарий масалаларини ўрганиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

Қуйидагилар ишчи гуруҳининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

— миллий давлатчилигимизнинг кўпминг йиллик тарихини, мустақиллик йилларида унинг негизида тикланган замонавий ўзбек давлатчилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари, жамиятимизнинг пировард мақсадларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш, буюк аждодларимизнинг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини, улар яратган фалсафий таълимотларни ўрганиш ва зарур хулоса ва сабоқлар чиқариш;

— мустақиллик ўз-ўзидан келмаганини, озодлик йўлида ота-боболаримиз асрлар давомида кураш олиб борганини миллий истиқлол ғояси асосида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш;

— ёшлар қалбида буюк аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маданий меросга ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришиш, жамиятимизда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш борасидаги амалий ишлар мазмунини кенг таҳлил этиш;

— истиқлол шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти том маънода юзага чиққанини, халқ хўжалигининг барча соҳаларида салмоқли ютуқларга эришилганини, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилишини чуқур асослаб бериш.

5. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА), "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг 10 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 19 январ.

## Мамлакатимизда

### Илм-фан — амалиётга

***Самарқанд азалдан илм-маърифат бешиги бўлган. Бу кўҳна заминда донғи жаҳонга кетган не-не улуғлар яшаган, ижод қилган. Бугун уларнинг издошлари нима ишлар билан машғул? Улар фан оламида қандай изланишлар олиб бораяпти?***

***Вилоят ҳокимлигида олий ўқув юртлари ва коллежларда таълим жараёни билан биргаликда илмий изланаётган олимлар иштирокидаги йиғилишда ана шу саволларга жавоб изланди. Вилоят ҳокими Э.Рўзиев йиғилганларни очиқ баҳсга чорлади. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, филология фанлари доктори А.Маматов илмий ишлар самарадорлигини оширишга доир муаммоларни ўртага ташлади. Йиғилишда илмий ечимларнинг лабораторияларда қолиб кетмасдан, халқ хўжалиги тармоқларига жорий қилиниши йўлида бор имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.***



### Қўшалоқ қувонч

***Кўп болалик она, боғча тарбиячиси Озода Султонова Ширин шаҳар хотин-қизлар қўмитасига амалий ёрдам учун миннатдорчилик хатини топширди.***

***У болалари ҳали ёшлигини, тор хонада қийналаётганини айтиб, янги уй олиш учун ёрдам сўраб қўмитага мурожаат этган эди. Илтимосга жиддий эътибор берилди. Натижада О.Султонова болалари билан янги йилни уч хонали уйда нишонлади. Бугина эмас, шаҳарда қўмита кўмаги билан ёш болалик яна беш оила янги уйларга кўчиб ўтди.***

***— Шаҳримиз ёш, унинг аҳолиси ҳам асосан ёшлар ва ёш оилалар, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Эргашой Маҳмудохунова. — Ёш болалик 3868 нафар аёлимиз бор. Уларга меҳрибонлик кўрсатиш доимо эътиборда. Кам таъминланган 335 нафар оилага йилда олти мартагача 3,5 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилаяпти, уй-жой шароитини яхшилаб олишлари учун ғамхўрлик қилинаяпти. Аёлларимизнинг кўпчилиги Сирдарё ГРЭСида меҳнат қилишади. Уларга нурхона маъмурияти, касаба қўмитаси ҳам кўмак бериб келмоқда.***

## Жума хабарлари

**Янгиликлар, воқеалар, фактлар**

### Конституция тарғиботи — долзарб вазифа

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш — ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз. Айни вақтда кишиларга Бош қонунимизни ўрганиш учун қулай маърифий шарт-шароит яратиб бериш, содда, равон шарҳлар орқали тушунтиришни уюштириш жамоат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"-ги Фармойишида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари зиммасига фуқаролар ўртасида Асосий қонунимизнинг мазмун- моҳияти, ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш ишларини фаоллаштириш борасида муҳим вазифалар юкланган.



Республика Маънавият ва маърифат Кенгашида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишнинг долзарб вазифалари" мавзуида ўтказилган илмий-амалий семинарда Тошкент шаҳри туманлари Маънавият ва маърифат Кенгашларининг масъул котиблари, жамоат ташкилотлари вакиллари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари директорлари, олий ўқув юртлари ректорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

**Ш.ЖУМАЕВ**
**(ЎзА)**

## Пойтахтда

## Курраи заминда

### Покистон резолюцияни маъқуллади

***Покистон ташқи ишлар вазирлиги вакили Ином-ул Ҳақ расмий Исломобод БМТнинг Афғонистонга нисбатан иқтисодий жазо чораларини кучайтириш тўғрисидаги янги резолюциясига бўйсунишини билдирди. Хусусан, Покистон Хавфсизлик кенгашининг "Толибон" ҳаракатига қурол-яроғ етказиб беришни халқаро миқёсда тақиқлаш ҳақидаги ҳужжатга амал қилади, деди вазирлик вакили. Аммо Афғонистонда узоқ йиллардан буён давом этаётган уруш ҳамда қурғоқчилик сабаб қўшни давлатларга кўчиб кетаётган фуқаролар сони тобора кўпаймоқда. Жумладан, ўтган йилнинг кузида афғонистонлик юз минг киши Покистонга келиб ўрнашди.***

### Янги ҳукумат режаси

***АҚШнинг янги маъмурияти Ироққа қарши иқтисодий жазо чораларини ўзгартирмайди ва бошқа давлатларни ҳам шунга даъват қилади.***

***Янги сайланган президент Жорж Бушнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс шундай баёнот берди. Унинг фикрича, Ироқ раҳбари Саддам Ҳусайн халқаро ҳамжамиятга ҳамон хавф солаётган шахс ҳисобланади. Токи, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1991 йилда Ироқни қуролсизлантириш тўғрисидаги резолюцияси шартлари бажарилмас экан, жазо чоралари бекор қилинмайди, деди у.***

### Филиппин президенти хорижга қочмоқчи

***Коррупцияда айбланаётган Филиппин президенти Жозеф Эстрада хорижга қочиб кетиши мумкин. Мамлакатдаги христиан-демократлар миллий иттифоқи директори Жозей Руфино шундай деди.***



***Унинг айтишича, президент ҳозир ўзининг яқинлари билан чет элга қочиб кетиш режасини тузмоқда.***

***Хабарларга қараганда, айни кунларда Филиппин президентининг истеъфога чиқишини талаб қилиб, ўтказилаётган намойишлар ва унинг иштирокчилари сони тобора кўпаймоқда.***

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 декабр.

24

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ сўзи» — «Народное слово»**

**2001 йил**

Қирқиш чизиғи

### IV. Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси

**22-модда. Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш**

Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**23-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган зарарни қоплаш**

Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Шахсга унинг террорчилик ҳаракатидаги иштирокига чек қўйилиши муносабати билан етказилган зарар қопланмайди.

**24-модда. Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси**

Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси уларни нормал ҳаётий фаолиятга қайтариш мақсадида ўтказилади ҳамда мазкур шахсларга ҳуқуқий ёрдам беришдан, уларнинг руҳий, тиббий, касбий реабилитациясидан, уларни ишга жойлаштиришдан, зарур ҳолларда уларга обод турар жой ва

18

Буклаш чизиғи

террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши;

тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фактларни яшириш.

**6-модда. Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш**

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар.

**7-модда. Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги**

Терроризмга қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари билан, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, махсус хизматлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

### II. Давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари

**8-модда. Терроризмга қарши кураш бўйича давлат органлари**

Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи

7

Қирқиш чизиғи

Шахс террорчилик фаолиятида иштирок этишдан ўз ихтиёри билан қайтган, бу ҳақда тегишли давлат органларига хабар берган ҳамда оғир оқибатлар юзага келишининг ва террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

**29-модда. Террорчилик фаолияти учун ташкилотнинг жавобгарлиги**

Ташкилот суднинг қарори асосида террорчилик ташкилоти деб топилади ва тугатилади.

Террорчилик ташкилоти деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган халқаро ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикасининг суди томонидан террорчилик ташкилоти деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) фаолияти тақиқланади ва бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг

22

Буклаш чизиғи

қа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар;

**террорчи** — террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс;

**террорчилик гуруҳи** — олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи;

**террорчилик ташкилоти** — икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви;

**террорчиликка қарши операция** — террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш, шунингдек жисмоний

3

Қирқиш чизиғи

канинг исталган вақтида монеликсиз кириш (ошиб тушиш);

террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонага кираётган (транспорт билан киришда) ҳамда мазкур зонадан чиқаётган (транспорт билан чиқишда) жисмоний шахсларни шахсан кўрикдан ўтказиш, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда бу воситаларда олиб ўтилаётган юкларни, шу жумладан назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўрикдан ўтказиш;

жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли бўлган алоқа воситаларидан, шу жумладан махсус алоқа воситаларидан, шунингдек транспорт воситаларидан (чет эл давлатлари дипломатия ваколатхоналари ҳамда бошқа муассасаларининг, халқаро ташкилотларнинг алоқа ва транспорт воситаларидан ташқари) террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, террорчилик ҳаракатини содир этган ёки содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва ушлаш, ҳодиса рўй берган жойга етиб бориш, тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни даволаш муассасаларига олиб бориш учун хизмат мақсадларида фойдаланиш;

террорчиларга нисбатан қурол ва жанговар техниканинг мавжуд турларини ҳамда махсус воситаларини қўллаш.

16

Буклаш чизиғи

чилик ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ҳамда таҳлил қилади, улардан келиб чиқаётган таҳдиднинг миллий хавфсизликка қай даражада хавфли эканлигини баҳолайди, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга зарур ахборотлар тақдим этади;

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва категорияланган объектларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган давлат муассасаларини, ушбу муассасаларнинг ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган даврда чет эл давлатлари, ҳукуматлари бошлиқлари ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг хавфсизлигини ва қўриқланишини таъминлайди;

халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида чет эл давлатларининг ва халқаро ташкилотларнинг тегишли органлари билан ҳамкорлик қилади;

террорчиликка қарши курашувчи қўшинлар, бўлинмалар ва муассасаларнинг террорчилик гуруҳлари ва ташкилотларини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир-

9

Қирқиш чизиғи

зарурати мазкур шахсларнинг терроризмга қарши курашдаги иштирокига боғлиқ бўлса.

Терроризмга қарши курашда бевосита иштирок этаётган, терроризмга қарши курашга кўмаклашаётган шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига, башарти уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид юзага келган тақдирда, илтимосларига кўра уларнинг ташқи қиёфаси, фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек иш ва яшаш жойлари терроризмга қарши кураш органлари таъминотига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўзгартирилиши мумкин.

**26-модда. Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахслар ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш**

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда ҳалок бўлган тақдирда ҳалок бўлган шахснинг оила аъзоларига ҳамда унинг қарамоғидаги шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда майиб бўлган ва бу унинг меҳнат лаёқатини йўқотишига ҳамда ногиронликка олиб келган тақдирда унга бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ногиронлик пенсияси тайинланади.

20

Буклаш чизиғи

олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш;

**халқаро терроризм** — бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм.

**3-модда. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**4-модда. Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари**

Терроризмга қарши курашнинг асосий прин-

5

Қирқиш чизиғи

жавобгарликдан озод этишнинг асоси ёки шарти бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Агар террорчилар билан музокаралар ўтказиш натижасида улар террорчилик ҳаракатини тўхтатишга рози эмаслиги сабабли музокаралардан кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлмаса ҳамда жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид сақланиб турган бўлса, террорчиларни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

**18-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари**

Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари террорчиликка қарши операция ўтказиш раҳбарлари томонидан жойнинг хусусияти ва шароитларини, шунингдек террорчилик ҳаракатининг кўламлари ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

**19-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказаётган шахсларнинг операция ўтказиладиган зонадаги ҳуқуқлари**

Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонада мазкур операцияни ўтказаётган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарурат бўлганда транспорт воситалари ва йўловчиларнинг кўча ва йўлларда ҳаракатланишини вақтинчалик чеклаш ёки тақиқлаш, транспорт воситаларини, шу жумладан дипломатия ваколатхона-

14

Буклаш чизиғи

чегара олди минтақасида ва чегара олди зонасида террорчиларни зарарсизлантиради, қаршилик кўрсатилган тақдирда йўқ қилиш чораларини кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғлар, қуроллар ва ўқ-дорилар, ядровий, биологик, кимёвий ёки бошқа турдаги ялпи қирғин қуроллари, террорчилик ҳаракатларида ишлатилиши мумкин бўлган материаллар ва асбоб-ускуналарни ноқонуний олиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғи хавфсизлигини, мамлакат маъмурий, саноат-иқтисодий марказлари ва ҳудудлари, муҳим ҳарбий ва

11


**Мулкчилик шакли турлича бўлган ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари диққатига!**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ВА ҲАРБИЙ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ**

*сизларни*

**ПОЧА ПЎСТИН, ҲАРБИЙ ВА СПОРТ БИЧИМИДАГИ ОЁҚ КИЙИМЛАРИ, ЧАРМ АНЖОМЛАРИ, ПАЙПОҚЛАР, ОДЕЯЛЛАР, ЯРИМ ЖУН МАТОЛАР ВА БОШҚА ГАЗЛАМАЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН**

*25.01.2001 йилда бошқарма ҳудудида ўтказиладиган тендерга таклиф этади.*

*Талаб этилган жиҳозлар бўйича маълумот ва техник ҳужжатлар олиш учун қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:*



**55-76-72, 55-81-45, 56-70-19, факс: 136-35-66.** 3722

**Манзилимиз: 700070, Тошкент ш., Ш.Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.**

*Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори*

**АСПАЛЬГИН**

**Бу дори кучли оғриқни босади**





**ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.** 3427

*1. Наманган шаҳридаги «Аҳмадбек-С» автотранспортлар ширкатига қарашли Камаз 5320 давлат рақами 16АА240 автомашинасига берилган халқаро тоифадаги лицензия АТ 0014880 ва шаҳарлараро юк ташиш учун лицензия АТ 0157156 карточкаси йўқолгани боис бекор қилинади.*

*2. Наманган шаҳридаги «Аҳмадбек-С» автотранспортлар ширкатига қарашли Камаз 53212 давлат рақами 16АА242 автомашинага берилган шаҳарлараро юк ташиш учун лицензия АТ0157181 карточкаси йўқолгани боис бекор қилинади.*

**ТИФЛОКС**
(Ципрофлоксацин)
**7 касалга 1 даво**
**ТЎҚИМАЛАРГА ТЕЗЛИК БИЛАН ЎТАДИ.**
Кенг спектр бўйича таъсир қилади.
Ич терлама
Септицемия
Жинсий, сийдик чиқарув йўллари
Суяклар бўғимлари
Нафас йўллари
Терилар юмшоқ тўқималари
Иммунитет пасайишида
ИНФЕКЦИЯСИ
Антибактериал восита сифатида қўлланилади. 3721

давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати:

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, шу жумладан халқаро терроризмга қарши курашни амалга оширади;

террорчилар, террорчилик гуруҳлари ва террор-



**20-модда. Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик**

Террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада оммавий ахборот воситалари вакилларининг фаолияти жойлардаги террорчиликка қарши операция ўтказиш раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Қуйидаги ахборотлар тарқатилишига йўл қўйилмайди:

террорчиликка қарши операция ўтказишнинг махсус техникавий усулларини ҳамда тактикасини очиб берадиган;

террорчиликка қарши операция ўтказилишини қийинлаштириб қўядиган, жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғига хавфни келтириб чиқарадиган;

террорчиликни тарғиб қилишга ёки оқлашга кўмаклашадиган;

террорчиликка қарши операция ўтказилаётганда бўлинмаларнинг ходимлари тўғрисидаги, шунингдек уни ўтказишга кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги.

**21-модда. Террорчиликка қарши операциянинг тугатилиши**

Террорчилик ҳаракатига чек қўйилган (тугатилган) ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонадаги жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғига бўлган хавф бартараф этилган тақдирда террорчиликка қарши операция тугалланган ҳисобланади.



*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА

## I. Умумий қоидалар

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлашдан иборат.

**2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**гаровга ушлаб турилган шахс** — қўлга олинган ёки ушлаб турилган шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, халқаро ташкилотларни, шунингдек айрим шахсларни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки бундай ҳаракат содир этишдан тийилишга мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан қўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс;

**терроризм** — сиёсий, диний, мафкуравий ва бош-



бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган мол-мулк мусодара этилади ва давлат мулкига ўтказилади.

**30-модда. Етказилган зарар учун жавобгарликдан озод этиш**

Террорчиликка қарши операцияда иштирок этаётган ҳарбий хизматчилар, мутахассислар ва бошқа шахслар бундай операция ўтказилаётганда мажбуран зарар етказганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

**31-модда. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 декабр.



лиги:

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш йўли билан терроризмга қарши курашни амалга оширади;

алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектларнинг қўриқланишини ва хавфсизлигини таъминлайди;

давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита:

террорчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришидан Давлат чегарасининг қўриқланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив, биологик, шунингдек кимёвий ёки бошқа заҳарловчи моддаларнинг, террорчилик ҳаракатини содир этиш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган предмет ёки материалларнинг ноқонуний олиб ўтилишини аниқлаш ва унга чек қўйиш чораларини кўради;



ларининг, консуллик муассасаларининг ва фуқароларнинг транспорт воситаларини жойнинг айрим участкаларига ва объектларга киритмаслик, фуқароларни жойнинг айрим участкаларидан ва объектлардан чиқариб юбориш, шунингдек махсус рухсатномаси бўлмаган транспорт воситаларини шатакка олиб чиқариб ташлаш чораларини кўриш;

жисмоний шахсларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса уларнинг шахсини аниқлаш учун ушлаб туриш;

ҳуқуқбузарликлар содир этган ёки террорчиликка қарши операция ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабларига тўсқинлик қилишга қаратилган, шунингдек террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонага рухсатсиз кириш ёки киришга уриниш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этган шахсларни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш;

агар кечиктириш жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, террорчилик ҳаракатига чек қўйиш, уни содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб этиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳудудига ҳамда хоналарига, турар жой ва бошқа жойларга, ер участкаларига, транспорт воситаларига сут-



шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни зарарсизлантиришга қаратилган, келишилган ва ўзаро боғлиқ махсус тадбирлар мажмуи;

**террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона** — жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари, ҳаво бўшлиғи, транспорт воситалари, бинолар, иморатлар, иншоотлар, хоналар ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган доирадаги уларга туташ ҳудудлар;

**террорчилик фаолияти** — террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият;

**террорчилик ҳаракати** — гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга



Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда ярадор бўлган тақдирда бу унинг меҳнат лаёқатини йўқотишига олиб келмаса, унга қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

**27-модда. Кўп йил ишлаганликни имтиёзли ҳисоблаш**

Терроризмга қарши курашни бевосита амалга ошираётган бўлинмаларда хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ҳамда давлат органларининг ходимларига пенсия тайинлашда хизматнинг бир куни икки кунга, террорчиликка қарши операция ўтказишда иштирок этган даврда хизматнинг бир куни уч кунга ҳисобланади.

Террорчиликка қарши операция ўтказишда иштирок этишга жалб қилинган мутахассислар ва бошқа шахсларга пенсия тайинлашда мазкур операцияда иштирок этишнинг ҳар бир куни уч кунга ҳисобланади.

Кўп йил ишлаганликни имтиёзли ҳисоблаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## VI. Террорчилик фаолиятида иштирок этганлик ҳамда терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

**28-модда. Террорчилик фаолиятида иштирок этганлик учун жавобгарлик**

Террорчилик фаолиятида иштирок этаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.



бошқа объектларнинг ҳаводан бериладиган зарбадан ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди;

ўз тасарруфидаги ҳарбий объектларнинг қўриқланиши ва мудофаа қилинишини амалга оширади;

террорчиликка қарши операцияларда иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

фавқулодда вазиятлардан аҳолини ҳимоя қилиш, террорчилар ҳаракат қилаётган зонада жойлашган алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектлар барқарор ишлашини, шунингдек террорчилик ҳаракатлари оқибатларини тугатиш юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда тадбирлар ўтказади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## III. Террорчиликка қарши операциянинг ўтказилиши

**15-модда. Террорчилик ҳаракатига чек қўйиш**

Террорчилик ҳаракатига чек қўйиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур чоралар қўлланила-



ди, шу жумладан террорчиликка қарши операциялар ўтказилади.

**16-модда. Террорчиликка қарши операцияга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш**

Террорчиликка қарши операцияга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш ҳар бир муайян ҳолатда террорчилик ҳаракати таҳдиди ва хавфининг кўламларини инобатга олган ҳолда белгиланади ҳамда мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тегишли тузилмалар зиммасига юкланади.

Терроризм таҳдидини зарарсизлантириш ва тугатиш учун жалб этиладиган тузилмалар ва бўлинмаларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш бўйича заруратга қараб штаблар тузилади.

**17-модда. Террорчилар билан музокаралар олиб бориш**

Террорчилик ҳаракатининг хусусиятига қараб жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғини, моддий бойликларни сақлаш, гаровда ушлаб турилган шахсларни озод этиш, шунингдек куч ишлатмасдан террорчилик ҳаракатига чек қўйиш имкониятини ўрганиш мақсадида террорчилар билан музокаралар ўтказилиши мумкин.

Террорчиликка қарши операция ўтказиш раҳбари томонидан махсус ваколат берилган шахслар террорчилар билан музокаралар олиб боришига рухсат этилади.

Террорчилар билан музокаралар олиб борилиши уларни содир этган жиноий қилмишлари учун



циплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги;

жазонинг муқаррарлиги;

терроризмга қарши кураш ошкора ва ноошкора усулларининг уйғунлиги;

жалб этиладиган кучлар ва воситалар томонидан террорчиликка қарши ўтказиладиган операцияга раҳбарлик қилишда яккабошчилик.

**5-модда. Террорчилик фаолиятининг олдини олиш**

Террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Қуйидагилар тақиқланади:

терроризмни тарғиб қилиш;

террорчилик гуруҳлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши;

террорчилик фаолиятига дахлдор юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари (филиаллари) ва ваколатхоналарини (шу жумладан чет эл ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини) аккредитация қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши;



қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ёрдам беришдан иборат бўлади.

Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитациясини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## V. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси

**25-модда. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиши зарур бўлган шахслар**

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахслар давлат ҳимоясидадир.

Қуйидагилар ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиши лозим:

терроризмга қарши курашда бевосита иштирок этаётган ҳарбий хизматчилар, давлат органларининг ходимлари ва мутахассислари;

террорчилик фаолиятининг олдини олишда, уни аниқлашда, унга чек қўйишда, уни тергов қилишда ҳамда унинг оқибатларини минималлаштиришда терроризмга қарши курашни амалга ошираётган давлат органларига доимий ёки вақтинча кўмаклашаётган шахслар;

ушбу қисмнинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари, агар уларнинг ҳимояланишини таъминлаш



## Демишларки...

Икки нодон киши сафарга чиқди. Йўлда кета туриб бир-бирига дерди:

— Бахти толеим ёр бўлиб, бир қанча қўйга эга бўлсам эди, уларнинг юнги ва гўштидан жуда фойда қилардим.

— Менинг ҳам толеим ёр бўлиб, бир нечта бўрига эга бўлсайдим, уларни қўйларинг орасига юбориб, биттасини ҳам тирик қолдирмасдим.

— Менинг қўйларимни нега бўриларингга едирасан?

— Сен хасис кишисан, барибир қўйларингнинг гўшти ва юнгидан менга бермайсан.

Йўқ қўйлар ва бўрилар учун жанжал кўтарилди. Улар уришиб бош ва юзларини қонатдилар. Уриша-уриша чарчаб, йўлнинг бир чеккасига чиқиб ўтирдилар. Узоқдан қари киши бир тулим асални эшакка юклаб келарди. Икки нодон: «Шу киши сўзимизни эшитиб нима ҳукм қилса, шунга рози бўлайлик», деган қарорга келдилар. Қари киши етиб келди. Икки нодон унга салом бериб, нима ҳақда жанжаллашиб, қонга бўялганларини баён қилишди ва нима ҳукм қилса, шунга рози эканликларини айтдилар. Қари киши сакраб эшакдан тушди, ёнидан пичоғини олиб, тулимни ёриб юборди, асал ерга тўкилди. Сўнг уларга қараб:

— Ҳар иккингиз нодон бўлмасангиз, менинг қоним ерга шу асалдек тўкилсин, — деди.

Шундай қилиб икки нодонга учинчи нодон қўшилган экан.

ОҒРИҚ?
ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ
АПАЛЬГИН
(500 мг анальгин) оғриққа қарши куч.
3428

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси вазирликнинг Кадрлар, илм-фан ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бош бошқармаси бошлиғи Шерзод Бўтаевга волидаси

**САНОБАР аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қува туман матлубот-савдо акциядорлик бирлашмаси жамоаси бирлашма бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Миродил Ҳайдаровга отаси

**Маҳаматжон ота ҲАЙДАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1115. 30797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОРАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — О. Ражабов.
Мусаҳҳиҳ — А. Эшқулов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 21.00*